

Хушбоқ Раҳим



АЙРИГАЗА

ХУШБОҚ РАҲИМ

АЙРИГАЗА

Шоир қалб қаримас

Етмишинчи йилларда “Тиббиёт хазинасидан” номли мўъжазгина китоб чиққан. Унда саломатлик ҳақидаги ҳикояту ривоятлар, закий ҳикматлар ва фойдали маслаҳатлар жамулжам эди. Ундаги ҳикоятлардан бирида айтилишича, бир япон йигит спортнинг қаратэ кураши турини жуда севар, лекин у билан махсус шуғулланишга имконияти йўқ экан. Оила қуриб, бола-чақа орттириб, ўғли йигирма ёшга тўлганидан кейингина, уй-рўзғор ташвишларини унга топшириб, сеvimли спорти билан астойдил шуғулланишга киришиб кетибди. Шундан кейин ҳам у олтмиш беш ёшгача мамлакат совринини уч марта қўлга киритишга муваффақ бўлибди.

Қўлингиздаги китоб муаллифи Хушбоқ Раҳимнинг шоирлик тақдири ҳам шунга ўхшайди.

Бу инсонни мен мактабда таниганман. Саккизинчи синфда ўқиб юрганамда мен шеърый машким билан бир мусобақада қатнашдим. Эртаси куни мактаб директори, марҳум Сайфиддин Ражабов чақириб, “Кеча яхши шеър ўқидинг, шоир йигит” деди ва янги очилган ёш қаламкашлар тўғарагининг раҳбари Хушбоқ Раҳим билан таништирди. У менга “Бадий ижод ҳақида” номли китоб тақдим этдики, бу биринчи ўқиган адабий-танқидий асарларимдан бўлиб қолди. Ўша йиллари пахта мавсуми оқшомларидан бирида муаллим “Термизданман...” деб бошланган (биз болалар учун узундан-узок бўлиб туйилган) шеърни ўқиб берди. Тақдирнинг қай бир шамоллари термизлик бу одамни Гиждувон мактаблари ва далаларига учиринг сабаб “сўз” деган илоҳий мўъжизага ошuftалиги, бу дунёга дард ва қувонч, ҳайрат туйғулари билан йўғрилган бадий сўз ҳадя этиш орзуси. Ўтган йиллар мобайнида у доимий ҳамроҳи – шеър машқини қўлдан қўймабди. “Энди адабий жараён билан боғланмасам бўлмайди, қобилиятимни ўстиришим зарур, кўнгилдаги шеър иштиёқи тинчлик бермаяпти”, деди у олиб келган бир даста шеърини ёшларга хос завқ-шавқ билан ўқир экан. Шундан кейин у “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Шарқ юлдузи” каби матбуот саҳифаларидан ўнлаб шеърларини эълон қилди. Ёзувчилар уюшмасидаги адабий анжуманларга ҳам қатнашиб туриб, у минбарлардан ҳам ўз шеърларини ўқишга муяссар бўлди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

*“Дўстларнинг сўхбатида не ҳуш ўлгай баҳси шеър,
Чун билинга ҳар кишининг таъби бирла ҳолати”,*

деганларидек, ушбу шеърларда ҳам ўзига хос “таъби бирла ҳолат” тажассум топган эди. Назаримда шоир ва унинг шеърлари ўз мухлисларини топди.

Мана, бугун шоир Хушбоқ Раҳим ўз шеърларини саралаб, шеърый китоб тузишга мувофиқ бўлди. Шоирнинг баъзи ўзига хос фазилатларини таъкидлаб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Аввало шоирнинг табиий шаклланиш ва ўсиш жараёнини эътироф этгим келади.

Шоирлар борки, бор бисотини ҳали қиёмга етмасдан тўкиб-сочади. Одатда, шон-шуҳрат илинжидаги бундай сунъий фаоллик узокқа чўзилмайди. Х.Раҳим эса ўз шеърлари устида умрбод ишлаб, уларнинг зуваласини пишитиб келмоқда. Шоирлар борки, пойтахтга келиши билан, кўп ўтмай, тили, услуби, қарашлари жиҳатидан умумий оқимга қўшилиб кетади. Ўзига хос хусусиятларини йўқотади.

Х.Раҳимнинг фақатгина ўзига хос нуқтаи назари, шахсий фикри, бошқа шоирлардан фарқланувчи тасвирий воситалари, усуллари ажралиб туради. Шоир умрининг асосий қисмини пойтахтда ўтказган бўлса ҳам, унинг шеърларида Сурхондарё шевасига хос сўз-образлар кўп. Шеърлардан унинг туғилиб ўсган юртига нисбатан муҳаббати, хотира туйғуси, халқнинг тафаккур тарзи, нутқ бойлиги яққол балқиб туради.

Шоир ҳаёт фалсафасини бадиий умумийлаштиришда яхшигина маҳорат қозонган. Айниқса “Чўпон қизи”, “Тасалли”, “Таъмагирга” каби шеърлар услубан содда, сувдай равон оқадиган, айна пайтда ғоявий мазмун жихатидан фикр қаймоғини берадиган етук шеърлардир.

*Тоғда думбул юракни
Чўпон қизи уйғотди.
Шундан ҳар тонг нур бўлиб
Қирлар оша оқдим мен,
Ихлос билан Қуёшни
Тоғ кўксига тақдим мен.*

Ушбу парчада самимий тасвирдан ташқари, нақадар ўзига хос фикрлаш, кўп маънолик бор. Оғир дамда бир-бирига тасалли бериш энг оддий инсоний фазилатлардан бири. Лекин шугина фазилат етмаган жойда ҳам ҳаёт нотугал, инсон маънан ҳимоясиз, ғариб ва ожиз. Шоир инсонларни шу фазилат заруратидан огоҳ этади.

*Тасаллидан болалар яйраб,
Кўнгил қиқир-қиқир қулади.
Шу тасалли етмади бир кун,
Катта одам – чинор қулади.
Шунда билдим, қояларни ел,
Пўлатни нам, занглар емирар.
Тасаллига муҳтож юракни
Оғир-оғир ғамлар кемирар.
Шунда билдим, оғир дамларда
Тасаллидан чекинади ғам.
Шу фазилат бўлмаса Сизда,
Орангиздан кетади одам.*

Демак, инсон маънавияти, жамияти энг оддийдан-оддий кўринган тасаллидай фазилатлар билан янада соғлом ва тўқисдир. Акс ҳолда, жисмонан чинордай бақувват одамлар ҳам ҳаётни эрта тарк этиши, инсоният жамияти озми-кўпми талофатга учраши табиий экан.

Х.Раҳимнинг кўп шеърлари жамиятдаги катта-кичик иллатларни фош этади. Лирик қаҳрамоннинг бундан мақсади ҳаётни қусурлардан, нуқсонлардан холи, тўла-тўқис, беғубор, пок, мукамал кўришдир. “Таъмагирга” шеърида таъмагир типи – умумлашма образини яратди. Унинг талқинича, таъмагир шундай бир зотки, у ўзига тўқ, очликни билмайди, йўқликдан қийналмайди, виждон азобидан эзилмайди. Аммо у бемор. У шундай беморки, унинг ижтимоий аҳволи ҳар қанча тўқин-тўқис бўлмасин унга:

*Тухфалар тутмасанг битмайди ишинг,
Бир нима бермасанг ўлади бемор.*

Шоирнинг “Тафаккур ҳаётни минг бор элади” деган ўзига хос бадиий ифодаси бор. Дарвоқе, унинг шахсий тафаккури ҳам олтмиш йил мобайнида ҳаётни минг бора ўз элагидан ўтказди. Шоир бугун бисотидан ана шу тафаккур армуғонларини Сизга тухфа этмиш, азиз китобхон. Улар Сизнинг нозик дидингизга, ҳукмингизга ҳавола.

***Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори.***

Айригаза

Олмосдай чўққилар тоғлар бағрида,
Бармоқлар мисоли муштарак бари.
Мен кифтида турган Айригаза¹ –
Бойчиборнинг эски эгари.

Эгарланган отдай замин – Бойчибор,
Алпомишлар унинг жиловин кучар.
Ёллари силкиниб сервиқор,
Туёғидан чакмоқлар учар.

Офтоб нурларини тўкади қирга,
Юлдузлар тушида даштни кўрибди.
Осмонга ярашгай ҳилолдай эгар
Бойчибор белида маҳкам турибди.

Мендан-да ишқибоз табиат отга
Ҳар сафар шабнамдан жуллар ёпади.
Бойчибор армони дилимда қотган,
Уни излаганлар дилдан топади.

¹ Айригаза – қир.

Термиз

I

Сувдан ёшу ҳаводан кичик,
Ердан баланд, осмондан куйи.
Пайғамбари ҳудуддош, яқин
Қадим Термиз даҳолар уйи.
Борлиқ бедор, уйқусиз Жайхун
Созтупроқни кўзлаб яйради
Қуёш нури, қайноқ сахар ҳам
Имкон, ишқдан сўзлаб яйради:
Чор унсурдан мавжудлик, ҳаёт
Тирикликнинг эшиги Термиз.
Истасанг ҳам, истамасанг ҳам,
Инсоният бешиги Термиз.

Жаҳонга дарвоза

Танамда тарихинг айланди, Термиз,
Юракдамақтовинг тойланди, Термиз.
Жаннат ўлкасининг чаманидан гул,
Кўзимда жамолинг жойланди, Термиз.
Искандар от сурди, сўнгсиз фарёд, ун,
Ур-калтак, қиличдан қора кийди кун.
Жангу жадалларда пишқирган Жайхун,
Қон мисол бўтана, лойланди, Термиз.
Сув, тупроқ борини инсонга тутди,
Бировни кузатиб, икковни кутди.
Зардушт ҳам Темурхон, Улуғбек ўтди.
Жаҳонга дарвоза сайланди, Термиз.
Ёшлиқдан зиё деб кўзлар ёшланди,
Муҳаммад ҳадисин ишқи бошланди,
Неча Термизийлар сувга ташланди,
Букилмас ирода ёйланди, Термиз.
Ифво, ғам, ноҳақлик изидан ўчди,
Хуррият нашъаси қалбимга кўчди.
Адолат жомидан жоним май ичди,
Қисмати куёшли, ойланди, Термиз.
Ғадир-будир сўкмоқ, йўллардан ўтдим,
Ҳар куни ҳаётда дўст деб дўст кутдим,
Ким ҳалол, беминнат – қалбимни тутдим,
Чархнинг ғилдираги мойланди, Термиз.
Қувончдан куёшдай очилиб кетдим,
Оламда зиёдай сочилиб кетдим,
Юртимда юракдан бир битик битдим,
Заминга мустаҳкам бойланди, Термиз.

Фаришталар қўнадиган юрт

Тупроқдан ажралмас тикилган жоним,
Болари ҳайратда, чумолилар лол.
Парвона еру кўк, жамики жонзот
Жайхун ардоғида Пайғамбар орол.
Гул-гиёҳ бенуксон унадиган юрт,
Фаришталар эниб қўнадиган юрт.

Пайғамбарли юртнинг туриши тимсол
Тупроқдан кўкламдай фидо келади.
Уйқудан кўз юмиб меҳнатда ёнсанг,
Зиёю насимдан нидо келади.
Кангул не истаса унадиган юрт,
Фаришталар эниб қўнадиган юрт.

Нидолар остида улғайди ишонч,
Ҳар юрак тафтини оширувчи он.
Муқаддас заминдан парча-пўлатдай
Кураш оловида катта-кичик жон.
Дўстга-дўст, садоқат унадиган юрт,
Фаришталар эниб қўнадиган юрт.

Юлдузли осмонга тиралган тоғлар,
Сурхонни тишида тишлаган қирғоқ.
Қатида дунёча кекса, ҳисобсиз.
Боболар бобом деб тикилган урвоқ,
Ғуруру ифтихор унадиган юрт.
Фаришталар эниб қўнадиган юрт.

Борини шу юртга тўккан табиат,
Ўтмиш ҳам келажак шунда ғамланган.
Еру кўк ҳайратда тарих, топилдиқ
Шу юрт белбоғида тугал, жамланган.
Ҳар тепа дунёлар унадиган юрт,
Фаришталар эниб қўнадиган юрт.

Тепалар, дунёлар мисоли юрак
Олқишлар авжидан ғурурга тўлган.
Мозийдан музаффар, ардоқли Сурхон
Иждокор қалбининг илҳоми бўлган.
Иймону эътиқод унадиган юрт.
Фаришталар эниб қўнадиган юрт.

Битик

Танимда, жонимда энг азиз туйғу,
Жисмимда қон мисол жойланган ҳаёт.
Зехнимда ипакдай чийралган борлиқ,
Кўксимда булоқдай бетимсол баёт.
Тилимдан тушмаган чечак, чаманзор,
Кўзимдан кетмаган дадил қадамлар.
Искандар, Чингизхон сезмаган бойлик,
Темурни қўллаган оддий одамлар.
Мозийга чирмашган илдиз, моҳият,
Маъдан – ақл кучи билан қазилган.
Суяк-суягимда туғилмасимдан
Ёлғиз битик – Ўзбекистон ёзилган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/206> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/206> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/206>